

**ХАТБ “ Туркистон ”
Акциядорларининг
2016 йил “17” июндаги
умумий йиғилишида
тасдиқланган**

**“ТУРКИСТОН” ХУСУСИЙ
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ
(янги тахрирда)**

Тошкент-2016

I. Умумий қисм

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 943, 2000 йил 5 июль), Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив Бошқарув Кодекси, ХАТБ “Туркистон” (кейинги ўринларда – “Банк”) Устави ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Банк Кенгашининг мақомини белгилайди, унинг иш фаолиятини ва Кенгаш аъзоларини сайлаш тартибини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Банк Кенгаши Банкнинг бошқарув органи бўлиб, унинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва ўз вазифаларини бажариш учун жавобгар ҳисобланади. Кенгаш Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига қирадиган масалаларни истисно этганда, Банк фаолиятига тааллуқли барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир.

1.3. Банк Кенгаши Банк акциядорларининг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

II. Банк Кенгашининг ваколат доираси

2.1. Банк Кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақиритиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк

акциядорларининг рўйхатини шакллантириш санасини белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Банк бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

Банкни қайта ташкил этиш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

Банк Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Банк Бошқарувидан олиш, Банк Кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларидагина фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

Банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Банк филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш, шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

Амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

Банкнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини ҳал қилиш;
қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш нархини белгилаш;

Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқини чеклаш;

Банк Бошқарувини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш ва унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

2.2. Банк Кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

2.3. Банк Кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқиш учун қуйидаги масалалар бўйича таклифлар киритади:

Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш;

Банкни қайта ташкил этиш ёки тугатиш;

Банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни, фойдани тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартибини тасдиқлаш. Банкнинг йиллик ҳисоботи Акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилиш санасигача камида 30 (ўттиз) кун аввал Банк Кенгашининг дастлабки тасдиғидан ўтказилиши керак;

Банк харажатларини тасдиқлаш ва уни Банкни ривожлантириш Бизнес-режаси билан солиштириш;

акциялар бўйича йиллик дивиденд миқдорини ва уни тўлаш тартибини белгилаш;

Банкнинг Устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш;

эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

ўз акцияларини сотиб олиш;

акцияларни майдалаш ва жамлаш;

акциялар очик ёзилиш йўли билан жойлаштирилган тақдирда, акциядорнинг қимматли қоғозларни сотиб олишга бўлган устувор ҳуқуқини акцияга конвертация қилинадиган қимматли қоғозларни сотиб олишга қўлламаслик тўғрисида қарор ва ушбу қарорнинг амал қилиш муддати тўғрисида қарор қабул қилиш;

кредитлаш, активлар ва пасивларни бошқариш, инвестицияларни амалга ошириш ва Банк мижозларига янги турлардаги хизматларни кўрсатиш борасида Банк сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;

Банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш, малакали аудиторнинг жалб қилиниши учун жавобгардир;

Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофот ва компенсациялар миқдори бўйича тавсиялар бериш;

Қарор қабул қилиш кунига банк активларининг 15 (ўн беш) % дан 50 (Эллик)% гача миқдордаги мулкларни харид қилиш ва тасаруф этиш билан боғлиқ йирик битимларни, бундан ташқари манфаат мавжуд битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

Банкнинг ички аудит хизматига ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Банкка тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга ошириш;

Банк мансабдор шахслари томонидан ҳаракат ва битим амалга оширилганда ёки улар томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни ҳал этишнинг, шу жумладан, уларни ҳал этиш учун манфаатдор бўлмаган учинчи шахсни тайинлаш ёки манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш;

Банк ички назорат органи (тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати)нинг кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши, миноритар акциядорлар қўмитаси (агар мавжуд бўлса) ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Кенгаш ваколатидаги Банк Низоми билан белгилаб қўйилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Банк Кенгаши ваколатига киритилган масалалар Бошқарув зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

2.4. Банк Кенгаши Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ қуйидагиларни амалга оширади:

Банк Кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (аммо уставда кўзда тутилган Банк кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритади;

Қуйидагилар Банк Кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин:

(I) сўнги беш йил мобайнида Банк, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналарида ишламаган шахслар;

(II) Банк, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари акциядори бўлмаган шахслар;

(III) Банк, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари билан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг баравари миқдоридан юқори суммага тегишли шартномага эга бўлган йирик мижозлари ёки мол етказиб берувчилари билан боғлиқ бўлмаган шахслар;

(IV) Банк, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари билан хизмат кўрсатиш юзасидан шартномага эга бўлмаган шахслар;

(V) Банк, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари раҳбарлари бўлган ёки сўнги беш йил мобайнида шундай лавозимларда ишлаган шахснинг оила аъзоси бўлмаган шахслар;

(VI) Банкни назорат қилувчи шахс (ёки Банк устидан жамоа тарзида назорат олиб борувчи гуруҳ ва/ёки ташкилот аъзоси) бўлмаган шахслар;

(VII) Банк билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома орқали боғлиқ бўлмаган ва Банкнинг соҳаси бўйича юқори турувчи ташкилоти (компания) ёки йирик акциядорининг ходими бўлмаган шахслар.

Банк кенгаши қошида Банк кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Банк ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этади;

Банк фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва Банк Кенгашига ҳисобот берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозимини жорий этади;

Банк Кенгаши аъзоларининг мукофот пули миқдорини Банк молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари билан боғлайди;

Банк Кенгаши, Банкда ташкил қилинган Банкнинг ички назорат органлари, жамоа органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан, ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-режа ва лойиҳаларнинг Банк ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказилади;

Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларини жорий этиш мониторингини амалга ошириш учун йилига бир маротаба Банк корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказди, бу ишни амалга ошириш учун мустақил ташкилотни жалб қилади.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш Банк Кенгашининг қарори бўйича танлов асосида ўтказилади.

Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини Банк бошқарув органида улар номидан иштирок этаётган шахсларни мукофотлаш миқдорини аниқлаш учун қўллайди.

III. Банк Кенгашининг мажбуриятлари

3.1. Банк Кенгашининг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

Банкни оқилоналик билан бошқаришни таъминлаш, ўз ваколатларини Банк акциядорларининг манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

Банк Кенгаши, Банкнинг ички назорат органи, Банкда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, Банк ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;

Омонатчилар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Банк фаолиятини, шу жумладан кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини жорий назорат қилиш. Ҳар чоракда Банк Бошқаруви ҳисоботларини, шунингдек Банк ликвидлигини бошқариш ва Банкнинг йиллик Бизнес-режасини бажариш масалаларини тинглаш;

Йиллик молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш;

Банкни мутаносиб равишда капиталлашувини таъминлаш;

Банк фаолиятининг стратегиясини ташкил қилиш ва шакллантириш;

Банк фойдалилигини мониторинг қилиш;

Банкни ривожлантиришнинг Бизнес-режаси ижросини назорат қилиш;

Банк Бошқарувини ташкил қилиш;

Банк ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш. Ички аудит хизмати раҳбарининг маърузаларини ҳар чоракда мунтазам эшитиб бориш;

Банк сиёсатларига, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мослигини таъминлаш мақсадида ва мутаносиб назорат учун Банк операцияларни кузатиб бориш;

Банкка дахлдор шахслар билан битимлар тузиш қарорини қабул қилиш;

Банк ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

Банк сайтида ёзма ва электрон сўровларни, шу жумладан, акциядорлар ўз алоқа маълумотлари ва банк реквизитларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни юбориши учун манзил кўрсатган ҳолда акциядорларга Банк билан боғланишни енгиллаштириш;

Корпоратив бошқариш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларга амал қилиниши борасида акциядорлар умумий йиғилишида йиллик ҳисоботини тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш.

IV. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш

4.1. Банк Кенгашининг миқдорий таркиби 5 (беш) кишидан иборат бўлади.

4.2. Банк Кенгаши аъзолигига 1 (бир) йил муддатга Банкнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан сайланади. Акциядорлардан ташқари, банк ва бошқа соҳалардаги таниқли олимлар ва мутахассислар ҳам Банк Кенгашининг аъзоси бўлишлари мумкин.

4.3. Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

4.4. Банк Бошқаруви аъзолари Банк Кенгашига сайланиши мумкин эмас. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банк Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банк Кенгашини чақириб олиш ва Кенгашнинг янги таркибини сайлаш ҳуқуқига эга.

4.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан Банк Кенгашининг ҳар қандай аъзоси (барча аъзолари)нинг ваколати муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

4.7. Банк Кенгаши аъзолари сайлови амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

4.8. Банкнинг 1(бир) %дан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар (акциядор) Банк Кенгашига ва Тафтиш комиссиясига мазкур органнинг миқдорий таркибидан ошмайдиган миқдорда номзодлар кўрсатиши мумкин.

4.9. Банк Кенгаши таркибига сайланиш учун номзодларга қўйиладиган талаблар.

Номзод:

Банкнинг акциядори бўлиши ёки юридик шахс-банк акциядорининг манфаатларини ифода этиши;

олий маълумотга эга бўлиши;

банк ва хўжалик қонунчилигини бўйича етарли билимга эга бўлиши лозим.

Банк Кенгашига сайлаш учун қуйидагилар номзод бўла олмайди:

судланган ёки илгари ғаразли жиноятлари учун судланган шахслар;

банкрот бўлган юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари.

4.10. Банк Кенгашига номзод кўрсатиш ҳақидаги таклифларни киритаётганда, жумладан, ўзини-ўзи кўрсатганда номзоднинг исми, унга тегишли бўлган банк акцияларининг сони ва тури, шунингдек, номзодни кўрсатувчи акциядорларнинг исми, уларга тегишли бўлган акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.11. Акциядор ўзига тегишли бўлган акциялар бўйича бир номзод учун тўлиқ овоз беришга ёки уларни бир неча номзодлар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга.

4.12. Энг кўп овоз олган номзодлар Банк Кенгаши таркибига сайланган ҳисобланади.

4.13. Банк Кенгаши аъзосининг ваколати қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

ўз ваколатини ихтиёрий равишда зиммасидан соқит қилса;

Банк Кенгаши аъзоси мазкур Низомнинг 7.2-бандида баён этилган мажбуриятларини бажармаса;

ғаразли жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида хабар олинса;

у бошқараётган юридик шахснинг банкрот бўлганлиги ҳақида хабар олинса.

Ваколатни тўхтатиш ҳақидаги қарор Банк Кенгаши томонидан қабул қилинади, мазкур аъзони Банк Кенгаши таркибидан чиқариш ҳақидаги масала яқин орада бўлиб ўтадиган Акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига қўйилади.

4.14. Кенгаш аъзоси сайланган муддати тугамасдан Кенгаш таркибидан чиқиб кетган тақдирда, унинг ўрнига қолган муддатга Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида Кенгашга янги аъзо сайланади.

V. Банк Кенгашининг Раисини сайлаш

5.1. Банк Кенгашининг Раисини Кенгаш аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан Кенгаш таркибидан сайланади.

5.2. Банк Кенгаши ўзининг Раисини Кенгаш жами аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қайтадан сайлашга ҳақлидир.

5.3. Банк Кенгаши раиси:

Банк Кенгаши ишини ташкил қилади;

Банк Кенгаши мажлисини чақиради ва унда раислик қилади;

йиғилишда баённома юритилишини ташкиллаштиради;

Акциядорларнинг умумий йиғилишини очади ва унда раислик қилади;
Банк Бошқаруви Раисини ишга қабул қилиш ҳақидаги меҳнат шартномасини Банк номидан имзолайди;

қонун ҳужжатларида ва Банк Уставида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

5.4. Банк Кенгашининг Раиси бўлмаган ҳолларда Раис вазифасини Кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан белгиланган Банк Кенгаши аъзоларидан бири бажаради.

5.5. Банк Кенгаши мажлисининг баённомасини олиб бориш ва унда қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш учун Банк ходимларидан Кенгаш котиби этиб тайинланади.

5.6. Янги сайланган Банк Кенгашининг Раиси ва Банк Кенгашининг аввалги Раиси Банкни қабул қилиш-топшириш далолатномасини Банк Бошқарувининг Раиси иштирокида имзолайдилар. Банк Кенгашининг аввалги Раиси йўқлигида қабул қилиш-топшириш далолатномаси унинг мажбуриятларини вақтинча бажараётган шахс иштирокида тузилади.

Далолатномада Банк молиявий ҳолати акс эттирилиши билан бирга, мажбурий тартибда қуйидаги ҳужжатларнинг мавжудлиги кўрсатилади:

а) Титул варағида Марказий банк муҳри билан тасдиқланган Марказий банкнинг ваколатли мансабдор шахси имзоси билан Банкнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисида белги бўлган Банк Устави;

б) Банкни ташкил қилиш тўғрисида таъсис шартномасининг нусхаси;

в) таъсис йиғилишининг баённомаси;

г) Банк Кенгашининг Раиси томонидан имзоланган акциядорлар рўйхати;

д) Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш тўғрисида Марказий банк Бошқарувининг қарори;

е) банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг асл нусхаси.

Юқоридаги ҳужжатлар Банкнинг юридик ишини ташкил этади ва Банкнинг Бошқарув Раисига доимий сақланади.

Далолатномада, шунингдек, филиалларнинг рўйхати ва уларнинг юридик ҳужжатлар тўпламининг реквизитлари илова қилинган Банк филиалларининг юридик ишлари мавжудлиги кўрсатилади.

VI. Банк Кенгаши мажлисини ўтказиш тартиби

6.1. Банк кенгаши мажлиси унинг Раиси томонидан ҳар ойда камида бир марта чақирилади.

6.2. Банк Кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кенгаш Раиси томонидан унинг шахсий ташаббуси билан ёки қуйидагилар талаб (таклиф) қилганда чақирилади:

Банк Кенгашининг аъзоси;

Тафтиш комиссияси;

Банк Бошқаруви;

Ички аудит хизмати раҳбари;

Ўзбекистан Республикасининг Марказий банки;

ҳаммаси бўлиб камида бир фоиз акцияга эга бўлган акциядорлар (акциядор).

6.3. Банк Кенгашининг мажлисини ўтказиш ҳақидаги хабар Кенгаш аъзоларига мажлис ўтказиш вақти, жойи ва кун тартибига киритилган масалалар кўрсатилган ҳолда факс, телеграмма ёки хат ташувчи орқали мажлис ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин юборилади.

6.4. Банк Кенгашининг кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар лойиҳаси, маълумотномалар ва зарур бўлган маълумотлар Банк Кенгашининг иш режасига мувофиқ тайёрланади, қўшимча масалалар бўйича эса уларни киритган ташаббускорлар томонидан тайёрланади. Кенгашнинг кун тартибидаги барча масалалар, қоидага кўра, олдиндан Банк Бошқарувида муҳокама қилинади.

Кенгаш аъзолари қўшимча маълумотларни, зарурат туғилганда Банк Бошқаруви

аъзолари орқали сўраб оладилар.

6.5. Агар Банк Кенгашига сайланган аъзоларнинг камида 75 фоизи Кенгаш мажлисида қатнашса, бундай ҳолларда у ваколатли ҳисобланади.

6.6. Банк Кенгаши аъзоларининг сони сайланганларнинг 75 фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши чақирилади. Кенгашининг қолган аъзолари фақат Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари йиғилишини чақириш ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

6.7. Банк Кенгашининг мажлисини Банк Кенгаши Раиси ёки унинг вазифасини вақтинча бажарувчи олиб боради. Муҳокамадан сўнг раислик қилувчи томонидан таклиф қилинган кун тартиби ва унга киритилган масалаларнинг муҳокама этиш тартиби қабул қилинади. Кенгаш аъзолари кўпчилик овоз билан мажлис кун тартибига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга.

6.8. Банк Кенгаши мажлисидаги қарорлар иштирокчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Овозлар тенг бўлганда, Банк Кенгаши Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Мажлисида қарорларни қабул қилиш, қоидага кўра, очик, овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Яширин овоз бериш фақат Банк Кенгаши аъзоларидан бирининг талаби билан ўтказилади.

6.9. Банк Кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

6.10. Банк Кенгашининг мажлисида маслаҳат овози бериш ҳуқуқи билан Банк Бошқаруви Раиси ва Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзолари, зарур бўлганда, Санок комиссияси аъзолари иштирок этадилар.

Кенгаш мажлисига Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Банк Бошқарувининг аъзолари, унинг бўлинмаларининг раҳбарлари, шунингдек муҳокама қилинаётган масалалар бўйича мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

6.11. Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси ёзиб борилади. Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтгандан кейин 3 кундан кечикмай тузилади.

Мажлис ёпилгач, Банк Кенгашининг барча аъзолари кун тартиби бўйича олган материалларни мажлис баённомасини ишлаб чиқишда уларнинг фикр мулоҳазаларини ҳисобга олиш учун қайтариб берадилар.

6.12. Банк Кенгаши мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисида ҳозир бўлган шахслар;

мажлисининг кун тартиби;

овозга қуйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Муҳокама қилинаётган масала юзасидан яқдиллик бўлмаган тақдирда ким «рози», ким «қарши», ким «бетараф» овоз берганлиги номма-ном кўрсатилади.

6.13. Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисида иштирок этаётган Банк Кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Банк Кенгаши мажлиси баённомасининг асл нусхаси доим сақланиши лозим бўлган ҳужжат ҳисобланади ва у имзолангач, архивга топширилгунча Банк Бошқаруви Раисида сейфда сақланади.

6.14. Банк Кенгаши баённомалари имзоланган куни Банк Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Банк Кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Банк Бошқарувига Банк Кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

6.15. Давлат, банк ёки тижорат сири деб ҳисобланган масалалар бўйича Банк Кенгаши мажлисининг баённомасига тегишли ёзувлар киритилади. Банк Кенгашининг қарорлари билан (банк ёки тижорат сири деб ҳисобланганлардан ташқари) Банк акциядорлари таништирилиши мумкин.

VII. Банк Кенгаши аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

7.1. Банк Кенгашининг аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Банк Кенгашининг мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама этилаётган масала юзасидан ажратилган вақт регламенти доирасида сўзга чиқиш, ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилиш;

Банкнинг муайян даврдаги фаолияти натижалари ва уни ривожлантириш режалари ҳақида ишончли ва тўлиқ маълумотлар олиш, Банк мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатлари бундан мустасно;

Кенгашда кўриб чиқиш учун Банк Кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича таклифлар киритиш;

Банк Кенгашида унга юкланган вазифаларни бажаргани учун муайян мукофот олиш;

Банк Кенгаши қошида Кенгаш, Бошқарув аъзолари, Банк ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича кўмиталарни (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

Кенгаш аъзолари учун ўтказиладиган илмий семинарларида иштирок этиш.

7.2. Банк Кенгаши аъзоларининг мажбуриятлари:

Банк ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш;

Банк обрўсининг ошиши, унинг ривожланиши ва молиявий барқарорлигининг мустаҳкамланишига йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишига эришиш;

ўз лавозим ваколатларидан виждонан, шунингдек, Банкнинг уставдаги вазифаларини бажаришда энг макбул усулдан фойдаланиш;

Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси ва аудитор эътиборига қуйидаги ахборотни етказиш:

а) ўзлари мустақил ёки алоқадор шахс (шахслар) орқали овоз берувчи акциялар (улушлар, пайлар)ининг 10 (ўн) %и ва ундан ортиқ қисмига эга бўлган юридик шахслар тўғрисида;

б) бошқарув органларида ўзлари раҳбарлик лавозимларида бўлган юридик шахслар тўғрисида;

в) уларга маълум, ўзлари манфаатдор шахс деб тан олинислари мумкин бўлган, Банк билан амалга оширилаётган ёки мўлжалланган битимлар тўғрисида.

Банк Кенгаши мажлиси ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида у манфаатдор шахс деб тан олинисли мумкин бўлган Банк билан тузилаётган битим тўғрисида масала ҳал қилинаётганда муҳокама ва овоз беришда қатнашмаслик.

7.3. Банк Кенгаши аъзоларининг вазифаларини Кенгаш Раиси тақсимлайди.

7.4. Банк Кенгаши аъзолари Кенгаш ёки Банк Бошқарувининг у ёки бу қарорни қабул қилишида кўрсатган таъсири учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

7.5. Банк Кенгашининг аъзолари Банкнинг имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлари, хўжалик фаолияти доирасидаги имкониятлар, Банкнинг фаолияти ва режалари ҳақидаги маълумотлари)дан ўзининг шахсий бойиши учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

7.6. Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига кўра Банк Кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Банк Кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Банк акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорида ёки акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Банк Кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тўғрисида”ги низомда белгиланади. Мазкур тўловларнинг йиллик миқдори тегишли йилдаги Банк соф фойдасининг ўн фоизидан ортиб кетиши мумкин эмас.

Банк Кенгаш аъзоси ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун Банкнинг мулкидан фойдаланиш, зарур бўлганда, харажатлар бадалини олиш ҳуқуқига эга.

VIII. Банк акциядорларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш

8.1. Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Банк Кенгаши томонидан қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

акциядорларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Банк фаолиятини ташкил қилиш;

Акциядорлар умумий йиғилишининг тайёрланиши ва ўтказилиши, овоз бериш ва овозларни санаш, қарорлар қабул қилиш жараёнларини назорат қилиш;

устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш, кўшимча қимматли қоғозлар чиқариш ва бошқа йўллар билан Банк устав капиталининг улуши ўзгартирилган ҳолларда акциядор ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўймаслик;

Банкнинг самарали дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш;

Банк акциядорлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Бошқарувнинг ноқонуний ва билимсизлик билан қилган ҳаракатлари ҳақидаги акциядорларнинг таклиф ва шикоятларини қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш.

IX. Банк фаолиятини назорат қилиш

9.1. Банк Кенгаши Бошқарувдан ҳар чоракда камида бир марта Банкнинг фаолияти ва молиявий аҳволи ҳақида, уларни яхшилаш бўйича тавсиялар киритган ҳолда, ёзма равишда ҳисобот ва шарҳларни олади, шунингдек Бошқарув Раиси ва ички аудит хизмати раҳбарининг маърузаларини тинглайди.

Кенгаш аъзолари бундай ҳисобот ва тавсияларнинг тўғрилигини ва амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида уларни синчиклаб текширади.

9.2. Банк Кенгашининг доимий назорат предмети деб, чунончи қуйидаги молиявий коэффицентлар ҳисобланади:

активларга нисбатан даромад;

оддий акциялар буйича даромад;

умумий фоиз маржасининг миқдори;

активларга нисбатан фоизларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаган Банк ҳаражатлари;

барча кредитларга нисбатан шубҳали ва умидсиз кредитларнинг хиссаси;

йирик кредитларнинг суммаси;

Банк билан боғлиқ бўлган дахлдор шахсларга кредитлар.

9.3. Банк Кенгаши Банк маблағларининг иш ҳақи фондини оширишга сарфланиши, Банк ходимларига рағбатлантирувчи устама ва ижтимоий имтиёзлар тўлови юзасидан қатъий назоратни амалга оширади; улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аппаратни сақлаб туришга банк даромадларини оқилона сарфлаш мақсадида аппарат тузилмаси ва ходимлар сонини таҳлил этади.

X. Кадрлар сиёсатини амалга ошириш

10.1. Банк Кенгаши Бошқарув иштирокида кадрлар сиёсатини, малакали раҳбарлар ва ходимларни жалб этиш ва уларни ушлаб туриш, Банкнинг Уставда кўрсатилган ўз вазифаларини бажаришида уларнинг жавобгарлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

10.2. Кадрлар сиёсатига қуйидагилар киради:

Банкда ишлаш учун мутахассисларни танлаш тизими;

ходимларга ҳақ тўлаш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш тизими;

ўқитиш ва қайта ўқитиш дастури;

раҳбарлик лавозимлари бўш қолган ҳолларда ворислик сиёсати;

ходимлар фаолиятини баҳолашнинг расмий тартиби.

10.3. Банк Кенгаши ёллашнинг контракт тизими буйича Банк ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнат муносабатлари тузилишини назорат қилади.

10.4. Банк Кенгаши қуйидагиларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди:

Бошқарув аъзолари ва Банкнинг асосий хизматидаги раҳбарларнинг ишига баҳо бериш мезони;

Банк ходими этика кодекси ва манфаатлар низосини бартараф этиш бўйича чоратадбирлар;

Банк мансабдор шахсларининг лаёқатсизлиги, виждонсизлиги, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа сабабларга кўра зиммасига юклатилган вазифалардан четлаштириш шартларининг рўйхати.

XI. Банкнинг мутаносиб сармояланишини қўллаб-қувватлаш

11.1. Банк сармоясини сақлаш ва унинг банк операциялари кўлами ва хатар даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Банк Кенгаши:

Эҳтимолий йўқотишларга қарши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаб берган миқдорда Банк томонидан махсус заҳира яратилишини назорат қилади;

Банк Бошқарувидан банк таваккалчилигининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банк белгилаганидан юқори бўлмаган даражада таъминланишини талаб қилади;

Банк акцияларини жойлаштириш чораларини кўради;

Банк капитали ва умумий заҳираларининг етарли даражада бўлишини таъминлайди.

XII. Банкни ривожлантириш бизнес-режасини тузиш ва бажариш

12.1. Банк Кенгаши Бошқарув билан биргаликда (мустақил тарзда ва четдан маслаҳатчи ҳамда экспертларни жалб қилган ҳолда) Банкни ривожлантиришнинг бизнес-режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

кредит сиёсати;

инвестиция сиёсати;

кредитларни назорат қилиш тартиби;

активлар ва пассивларни бошқариш тизими;

инвестициялаш тартиби;

банк фаолиятининг асосий молиявий кўрсаткичлари;

молиявий режа.

12.2. Банк Кенгаши Банкни ривожлантириш стратегик режаси ва бизнес-режасининг Банк Бошқаруви томонидан бажарилишини назорат қилади.

12.3. Банкни ривожлантиришнинг бизнес-режаси зарур бўлган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мақсадида, қоидага кўра, камида бир йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

XIII. Банк Кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

13.1. Банк Кенгаши аъзолари қонун ҳужжатлари ва Банк Уставига мувофиқ қарор қабул қилиниши ва ўз бурчларини лозим тарзда бажармагани учун Банк олдида жавобгардир.

13.2. Банкка зарар келтирган қарор қабул қилинган пайтда овоз беришда иштирок этмаган ёки бундай қарорга «қарши» овоз берган Кенгаш аъзоси жавобгар эмас.

Ушбу Низом банк акциядорлари умумий йиғилишида тасдиқланган кундан кучга киради ва банкда қўлланилади.